Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 2 март • шанба • № 29-30 (4159)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

### *Кун иқтибоси*

*Ўтган йили қандай натижаларга эришдик, одамлар ҳаётида нималар ўзгарди, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак. Бу саволларга жавоб топиш учун ҳар куни изланишимиз, замон талабларини ўрганиб, илм, ақл билан меҳнат қилишимиз зарур. Шунда иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлади. Бу нима дегани? Чет элда бозор топиш, замонга муносиб бўлиш, дегани. Қачон муносиб бўламиз? Илғор технология бўлса, уларни ишлата оладиган ёшларимиз сафи кенгайса, сифатли маҳсулот чиқара олсак.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ УФҚЛАРИНИ ОЧАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль – 1 март кунлари Наманган вилоятида бўлди.*

Баҳорнинг илк кунини наманганликлар катта қувонч ва эзгу орзу-умидлар билан кутиб олди. Ана шундай қутлуғ кунларда давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи ёш-у қарини янада руҳлантириб юборди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди, барча соҳада эришилган натижалар таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йили қандай натижаларга эришдик, одамлар ҳаётида нималар ўзгарди, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак. Бу саволларга жавоб топиш учун ҳар куни изланишимиз, замон талабларини ўрганиб, илм, ақл билан меҳнат қилишимиз зарур. Шунда иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлади. Бу нима дегани? Чет элда бозор топиш, замонга муносиб бўлиш, дегани. Қачон муносиб бўламиз? Илғор технология бўлса, уларни ишлата оладиган ёшларимиз сафи кенгайса, сифатли маҳсулот чиқара олсак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ўтган йили вилоятда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 577 ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани, инвестициялар ҳажми 1,7 баробар ошгани қайд этилди.

Шу билан бирга, Наманган вилоятини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва резервлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши республика кўрсаткичидан 2 баробар паст бўлгани, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайгани танқид қилинди.

Наманган вилоятини комплекс ривожлантириш учун 2,8 миллиард долларлик лойиҳаларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятда 2019-2020 йилларда 1 минг 400 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, 1,1 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилинади. Бунинг самарасида 39 мингта доимий иш ўрни яратилади.

2 ▸









## КУН НАФАСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши қарорига мувофиқ пойтахт бренди (логотипи) тасдиқланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати**

* * *

Жорий йилнинг март ойида мактабгача таълим муассасаларида «Соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ойлиги» ўтказилади.

**uza.uz**

* * *

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Наврўз байрами муносабати билан 21–24 март кунлари ички рейсларга чегирмалар жорий этди.

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати**

* * *

Жорий йилнинг 1 мартидан университетларда тўлов-контаркт нархи ошади. Бу ўқув йилининг 2-ярми учун тўланадиган контрактга таъсир қилади.

**xabar.uz**

* * *

Шу йилнинг 11–13 июль кунлари Марғилон шаҳрида биринчи «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивали ўтказилади.

**daryo.uz**

* * *

Россиянинг Владивосток шаҳрида Ўзбекистон бош консулхонаси очилди.

**Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Улуғбек Рўзиқулов Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) бош котиби Дато Лим Жок Хойга ишонч ёрлиғини топширди.

**kun.uz**

* * *

Келгуси йилларда 8 та соҳа учун 72 та янги таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

**kun.uz**

***Мамлакатимизда миллий адабиётимизга кўрсатилаётган чексиз эътибор сўз санъати фидойиларининг бетакрор меросини пухта ўрганиш, китобхонлар сафини янада кенгайтириш, ёшларнинг яхши китобга бўлган меҳрини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***





## Миллий адабиётимизга эҳтиром ифодаси

**1 март – Ўзбекистон халқ шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова таваллуди куни муносабати билан ташкил этилган маърифий тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра намоён бўлди. Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт мухлислари, талаба-ёшлар иштирок этди.**

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Нажмутдинова, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид, шоиралар Зулфия Мўминова, Фароғат Худойқулова, Зулфиянинг набираси Лола Муҳиддинова ва бошқалар мамлакатимизда адабиёт равнақи йўлидаги чексиз эътибор ва ғамхўрлик ижод аҳлини янада самарали меҳнат қилишга чорлаётганини таъкидлади.

Ёзувчилар уюшмаси учун миллий ва замонавий меъморий услублар уйғунлигидаги муҳташам бино қуриб берилгани, эҳтиёжманд ижодкорлар учун пойтахт марказида кўп қаватли турар жойлар, хушҳаво гўшаларда дам олиш масканлари бунёд этилаётгани, вақтли адабий нашрлар, нашриёт-матбаа корхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги тизимли ишлар адабиёт аҳлига кўрсатилаётган амалий ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Адиблар хиёбони бунёд этилиб, ушбу файзли масканда сўз санъати фидойилари хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилгани ёшларнинг миллий адабиётимизга бўлган меҳри ва иштиёқини тобора оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

6 ▸

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 1 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

2 ▸

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.**

## Меҳнат соҳасидаги муҳим ҳуқуқий қадам

Айтиш жоизки, ташкил этилганига юз йил тўлаётган Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг илк давридан бошлаб ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида иш берувчилар, ишчилар ва ҳукуматлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, ХМТнинг 144-сонли Конвенцияси меҳнат нормалари бўйича ҳукумат, иш берувчи ва меҳнаткашларнинг ўзаро ҳамкорликдаги масъулиятини оширади. Қолаверса, меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, иш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш ва меҳнат соҳасига оид бошқа масалаларда ижтимоий мулоқотни кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятларни яратади.

2 ▸

«Оғриқ тишлар...»




**Матбуот жамият кўзгусидир. У нафақат янгилик жарчиси, балки маънавий оламимизнинг бойишига ҳам хизмат қилади. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен бўш вақтимни газета ўқишга бағишлайман. Ўтган йили обуначи ташкилотдан «тилим куйган»и учун бу йил танловни бошқачароқ қилдим.**

Ўзимга севимли бўлиб қолган нашр – «Ishonch» – «Ishonch – Доверие» газеталарига «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг Самарқанд филиали орқали обуна бўлдим. «Яхши-ку!» дейишга шошилманг. Чунки бу йил ҳам алданиб қолганга ўхшайман. Биз билган, ишонган почта хизмати аввалгиларга сира ўхшамайди.

Нега дейсизми? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, почтачилар ўтган икки ой мобайнида атиги бир дона «Ishonch», бир дона «Ishonch – Доверие» газетасини келтириб беришди. Ташкилот мутасаддилари даставвал «газета кечикиб келаётир», қабилидаги жавоб билан мени юпатишди. «Қасди-басти»га олаверганимдан сўнг «барини тўплаб олиб бориб берамиз», дейишганига ҳам бир ҳафта бўлди. Бироқ ваъда бажарилмади.

Мени эса бир савол қийнамоқда: Обунадан тушадиган маблағдан «жон сақлаш» учун фойдаланиб келаётган почтада қачон тартиб ўрнатилади?

**Баҳриддин ЮСУПОВ,**
«Самарқандкимё» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Саҳифаларда

ОЛТИН ЎЛКА «Йўлдаги уйлар» туркумидан 3

Дардга малҳам, ҳордиққа ҳамдам 4

Оноровнинг ҳақиқатлари 8

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ УФҚЛАРИНИ ОЧАДИ

◄1

Наманган халқи азалдан уддабурон тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда ёш тадбиркорлар креатив ғоялари билан янада танилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, вилоятда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш учун 1 триллион сўм ажратилишини маълум қилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янгича тизими жорий этилади.

Вилоят туманлари марказини обод қилиш мақсадида ҳар бир туманга 20-25 миллиард сўмдан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларга қўшимча равишда 2 миллиард сўмдан ажратилиши қайд этилди.

Йиғилишда Президентимиз ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида спорт, санъат, китобхонликни оммалаштириш, компьютер технологияларига қизиқтириш, бунинг учун жойларда зарур шароитлар яратиш, таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга оид қарорлари натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда. Наманган шаҳридаги «ANAMED» хусусий диагностика маркази ана шундай субъектлардан бири.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида ушбу диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Нейрожарроҳлик, неврология, кардиология, урологияга ихтисослашган ушбу марказ «General Electric», «Siemens», «BTL», «Mirevarra», «Fijifilm» каби машҳур компанияларнинг илғор диагностика ускуналари билан жиҳозланган. Энг замонавий қурилмалар билан жиҳозланган иккита блокда жаҳон андозалари даражасида жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин. Айни пайтда 52 ўринли стационар бўлимини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Ўттиздан ортиқ киши меҳнат қилаётган муассасада малакали кадрлар жамоасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Буюк Британия, Япония, Россия Федерациясидаги етакчи диагностика марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган даврда бир гуруҳ шифокорлар ушбу мамлакатларда малака ошириб қайтди. Ҳиндистон ва Россиядан тажрибали шифокорлар ишга жалб этилган. Стационар ва физиотерапия бўлимлари ишга туширилиши билан яна 50 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари тўғри ташхис қўйиш ва касалликларни эрта аниқлаш учун бундай диагностика марказлари муҳимлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказини модернизация қилиш ва китобхонлик маданиятини ошириш концепцияси тақдимоти ўтказилди. Унга мувофиқ, вилоятнинг яна 50 маҳалласида кутубхона, 12 та замонавий кўчма китоб дўкони барпо этиш, 4 та «Библиобус» фаолиятини йўлга қўйиш ражалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев аҳолига китобларни қулай тарзда етказиб бериш, вилоятда яшаб ўтган атоқли аллома ва адибларнинг асарларини нашр этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳри марказида барпо этилаётган «Афсоналар водийси» маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишган ва уни энг замонавий талаблар асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу галги ташриф доирасида мазкур боғда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Боғ қурилишига Туркиянинг «DOME Partners» компанияси жалб этилган бўлиб, унинг ҳудудида савдо-кўнгилочар марказлар, ҳунармандлар маҳорат маркази, сайилгоҳ кўчаси, очиқ ва ёпиқ аквапарк, кутубхона, ресторан ва кафелар, трамвай йўли, тўрт юлдузли меҳмонхона, оилавий дам олиш масканлари, кўл, мусиқали фавворалар барпо этилади. Лойиҳага асосан истироҳат боғига 8 турдаги аттракционлар ўрнатилади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, жаҳонда ўхшаши кам бўладиган мазкур маданият ва истироҳат боғи келгусида нафақат вилоят, балки юртимизнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланишини қайд этиб, қурилишни жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрининг Юксалиш маҳалласи кейинги икки йилда бутунлай янги қиёфа касб этди. 2018 йилда бу ерда 588 хонадондан иборат 14 та 7 қаватли арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йил охиригача яна 14 та шундай уй-жой қурилиб, хонадонлар сони 1 минг 176 тага етказилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия хизматчилари учун 8 та 5 қаватли турар жой биноси барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудуднинг бош режасига мувофиқ, монолит услубида 9 ва 12 қаватли замонавий турар жойлар, шунингдек, бозор, спорт-соғломлаштириш марказлари, боғча, мактаб, кўп қаватли автомобиль сақлаш жойи қуриш режалаштирилган.

Юксалиш маҳалласи ёнида 80 гектарлик кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Саноат зонаси тўлиқ ишга тушгандан сўнг 7 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Hyundai» автомобиль заводи ҳам шу ҳудудга яқин жойда барпо этилади. Ҳам ҳудуд, ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти ортиши ҳисобига Юксалиш маҳалласи юқори технологик шаҳарчага айланади.

Давлатимиз раҳбари Юксалиш маҳалласида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ва ҳудудни ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Наманган шаҳрининг А.Хўжаев кўчасида «IT park» ташкил этилади. Уч қаватли бинода мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига янги замонавий техникалар билан ишлаш кўникмасини ўргатувчи курслар, тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

Президентимизга россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Наманган шаҳрини ривожлантириш бўйича таклифлар, замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида Юксалиш шаҳарчасини обод қилиш, бизнес марказлар, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар барпо этиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари уй-жойларни сифатли қуриш билан бирга, уларга хизмат кўрсатиш даражасини ҳам ошириш кераклигини таъкидлади. Шаҳарни истиқболда янада ривожлантиришга доир лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

**Умар АСРОРОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
ЎзА махсус мухбирлари

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◄1

Сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот эшитилди. Омбудсман фаолиятининг асосий йўналиши сифатида қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Йил давомида парламент палаталари билан ҳамкорликда тасдиқланган Қийноққа солишнинг ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олиш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали доирасида Миллий превентив механизм мандати билан қамраб олинган 70 дан ортиқ муассасага мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Уларда депутатлар корпуси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, «Human Rights Watch» халқаро жамоат ташкилоти ва БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси ваколатхонаси вакиллари иштирок этди.

2018 йилда Омбудсманга инсон шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш масаласи бўйича 3923 та мурожаат, шу жумладан, 3489 та шикоят, 428 та ариза ва 6 та таклиф тушди. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 754 та шикоят кўриб чиқилди, бу шикоятлар умумий сонининг 34,9 фоизини ташкил этади. Мурожаат этганлар манфаатлари йўлида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 48 та қарор бекор қилинди, судлар қарорларига 14 та протест киритилди. Омбудсман мурожаатлари бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари бўйича судлар ҳукмлари юзасидан 7 та протест киритилди.

Омбудсман томонидан 2017 йилда амалиётга жорий этилган қонунчилик ваколатлари муваффақиятли синовдан ўтказилди. Парламент палаталари қўмиталарига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари ахборотларини эшитиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатларни, бунга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар киритишга доир ҳуқуқлар амалга оширилди. Фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида илтимоснома ҳамда фуқаролар манфаатлари йўлида судларга давлат божи тўламай ариза ва даъволар бериш ҳуқуқидан самарали фойдаланилди.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва амалиётини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар берилди. Омбудсман ҳисоботи сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитдилар.

Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида барча соҳаларда ислоҳотлар фаол давом эттирилмоқда. Бу жараёнда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, бу эса, ўз навбатида, қабул қилинган ҳужжатларни ижрочиларга тезкор етказиш заруратини келтириб чиқармоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини ижрочиларга электрон шаклда етказишни таъминлаш вазифаси айнан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Бу борада олиб борилган ўрганиш ва таҳлил айрим ҳолларда қонун ҳужжатлари матнлари давлат ташкилотларининг ҳудудий тузилмаларига ўз вақтида етказилмаётганини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, Адлия вазирлиги томонидан янги тизим жорий этилиб, унинг доирасида ҳужжатлар минтақавий адлия органлари томонидан ҳудудий, шу жумладан, туман даражасидаги тузилмаларга бир вақтда юборилмоқда. Натижада 2018 йилда барча 1644 та қонун ҳужжати давлат органларига, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига тўлиқ юборилди.

Бунда нафақат давлат органлари, балки фуқаролар йиғинлари ҳам эътибордан четда қолмади. Барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам ахборотни электрон алмашиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, қонун ҳужжатлари матнлари, уларнинг қисқа изоҳлари бир ҳафтада бир марта махсус ахборот ташувчилар ёрдамида етказиб берилмоқда. Бу жараён вазирлик раҳбариятининг бевосита назоратига олинган. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти мунтазам адлия органлари томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, ички ишлар, маданият, халқ таълими вазирликлари ва Давлат статистика қўмитасининг 2018 йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида Интернет тармоғи ва умуман ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ўзбек ва рус тилларидаги 54 мингдан ортиқ ҳужжат жойлашган Миллий қонунчилик базаси – «lex.uz» фаолияти мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бир кунда ўртача 25 мингдан зиёд фойдаланувчи улардан фойдаланади.

Бундан ташқари, Вазирлик томонидан чет эл фуқароларини, шу жумладан, инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари матнларини Миллий базага жойлаштириш бўйича иш бошланди. Биринчи босқичда якуний рўйхат тузилиб, ундаги матнлар инглиз тилига таржима қилинмоқда.

Юридик адабиётлар чоп этиш бўйича ишлар самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кодекслари тўпламлари ҳамда 274 минг нусхада 43 номдаги юридик адабиёт чоп этилди. Муҳокама этилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар. Қайд этилганидек, 2018 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятини жалб қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 28,4 триллион сўмни ташкил этди ва аввалги йилга нисбатан ўсди. Бунда 14196,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 755 миллион АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 126,4 фоизни, шу жумладан, экспорт 265,9 миллион АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 117,5 фоизни, импорт 488,8 миллион АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 131,9 фоизни ташкил этди. Хорижий сармоялар ҳисобидан 8339,2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, шундан 1503,7 миллиард сўми тўғридан-тўғри ва 6835,5 миллиард сўми давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига тўғри келади. Йўл-транспорт ва муҳандислик соҳаларида 284 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган. Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича 937,6 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида 521 та лойиҳани амалга ошириш ва 9 мингдан зиёд иш ўрни яратиш учун 2,9 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли тилга олинди. Жумладан, сўнгги икки йил давомида ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 150 дан зиёд масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилган. Маҳаллий Кенгашлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш хусусида 400 дан зиёд мансабдор шахснинг ҳисоботлари эшитилди, мамлакатимиз тузилмалари раҳбарларига 300 дан ортиқ депутатлар сўрови юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Қашқадарё вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини ва маҳаллий Кенгашлар мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланмаётганлигини қайд этдилар. Муҳокама якунлари бўйича вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги вақтда қабул қилинган фармон ва қарорларига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинди ва чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти жорий этилди. Бироқ жойларда ўтказилган ўрганиш бу йўналишда қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазирига жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида жисмоний шахслар кадастр объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк солиғини ҳисоблашнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Бироқ мазкур йўналишда олиб борилган ўрганиш натижалари, фуқаролар мурожаатлари, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар таҳлили мазкур соҳада муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазирига парламент сўрови юбориш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимиздаги 9,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактабида 5,8 миллион ўқувчи таҳсил олади, уларга 20 дан ортиқ фан бўйича 445 минг педагог дарс беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2017/2018 ўқув йилида «Она тили» ва «Математика» фанлари бўйича ўтказилган ёзма назорат ишлари натижалари ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши лозим даражада эмаслигини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги вазирликлар ва идоралар, педагоглар, дарслик муаллифлари, олимлар ва экспертлар фикрларини ўрганиш жараёнида мавжуд дарсликларнинг мукаммал эмаслиги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири экани аниқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш зарурати вужудга келди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўн саккизинчи ялпи мажлис давомида 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Ахборот хизмати**

# Меҳнат соҳасидаги муҳим ҳуқуқий қадам

◄1

Хўш, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши айнан қандай амалий натижа беради? Ялпи мажлисда сўз олган бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Муҳитдиновнинг таъкидлашича, мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши дунёнинг йирик брендлари ва кийим ишлаб чиқарувчилари томонидан Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларига қарши «бойкот»нинг бекор қилинишига эришиш бўйича ёрдам беради.

Маълумки, 2019 йилнинг 4 февраль куни Бош вазир ўринбосари Танзила Норбоева бошчилигида Вашингтонга ишчи ташрифи билан борган делегация Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларига қарши «бойкот» ташаббусчиси Cotton Campaign халқаро коалициянинг йиғилишида иштирок этди. Cotton Campaign тарихида илк бор делегация вакилларининг иштироки Ўзбекистон Ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг нозик масалалар бўйича диалог ва конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлиги сифатида баҳоланган. Улар мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бозорга асосланган пахта ишлаб чиқариш механизмларига ўтиш ва тўқимачилик саноатида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича институционал тизимни ва маъмурий механизмларни кучайтириш бўйича режаларни алоҳида қайд этишди. Умуман олганда, Cotton Campaign вакиллари маслаҳатлашувларни конструктив, деб таърифлаган ва келгусида очиқ мулоқот ва самарали ҳамкорликнинг амалиёти давом эттирилишига умид билдирган эди. Тадбир якунида Ўзбекистоннинг тўқимачилик махсулотларига АҚШ йирик брендларининг бойкотини бекор қилиш учун «Йўл харитаси»ни тайёрлаш орқали таъсир этиш бўйича келишувга эришилган эди.

«Биз алоқаларни давом эттиряпмиз. Cotton Campaign Ўзбекистоннинг мамлакатда мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ҳаракатларини юксак баҳолаб, «прогресс» борлигини таъкидлашди», деди Э.Мухитдинов.

Унинг айтишича, мазкур йўналишдаги ишлар «бойкот»га қўшилган йирик халқаро тўқимачилик компаниялари, йирик брендлар ва кийим ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар таъсирида ўз қарашларини ўзгартиришларига хизмат қилиши мумкин. 144-сонли Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистонда меҳнат стандартлари татбиқ этилаётгани, ижтимоий мулоқотлар олиб борилаётгани, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича ишлар амалга оширилаётганини ифодалайди.

Бевосита ушбу халқаро ҳужжатнинг ўзи ҳақида тўхталадиган бўлсак, Конвенция ХМТ норматив фаолиятининг ҳар бир босқичида иштирок этишга иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотларини жалб қилиш орқали миллий даражада трипартизм ва ижтимоий мулоқотга кўмаклашади. Шунинг учун 144-сонли Конвенция Ижтимоий адолат тўғрисидаги Декларацияда бошқарув тамойиллари нуқтаи назаридан энг муҳим меҳнат стандартларидан бири сифатида белгиланган.

Мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши ва қўлланилиши меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда кўплаб имкониятларни юзага чиқаради. Жумладан, манфаатдор томонларнинг нуқтаи назарини акс эттиргани учун катта миқдордаги маълумотлар асосида кўпроқ эътиборга молик қарорлар қабул қилиш, трипартизм ва ижтимоий мулоқот маданиятини тарғиб қилиш ва кенг кўламдаги иқтисодий ва ижтимоий масалалар, жумладан, Глобал иқтисодий пактда таъкидланганидек, иқтисодий инқироз даврида ва ижтимоий кескинликлар кучайганда ишонч ва ижтимоий мулоқотни кучайтиришга кўмаклашади. Шунингдек, бошқа конвенция ва тавсияларнинг амалга оширилишига эришишга, Конвенция ва тамойилларга амал қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга ва ХМТ назорат органларида ушбу саволлар кўтарилиши зарурриятини камайтиришга кўмаклашади.

Мазкур Конвенция 139 та давлатда (жумладан, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина) ратификация қилинган. Кўпгина мамлакатларда у ўз доирасидан ташқари бир қатор масалалар бўйича муваффақиятли ижтимоий мулоқот ўрнатишга имкон берди, бу эса миллий даражада ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш учун Конвенция имкониятларини намойиш этди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш ва уни халқаро даражада тан олдириш йўлида муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.



**Тўлқин ШЕРНАЕВ**
**«Ishonch»**

# ОЛТИН ЎЛКА

## «Йўлдаги уйлар» туркумидан



Эврил ТУРОН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

**БУГУНГИ ЖИЗЗАХ**

...Жиззахга кириб келдим. Ўй, хаёллар билан 180 чақиримлик йўлни қандай босиб ўтганимни ҳам сезмабман. Ажабландим. Соат ўн бўляпти. Жиззах сийрак туман ичида.

Вилоят ҳокимиятининг кўп қаватли биноси олдида мени ёзар Меҳрибон Абдураҳмон қарши олди. У тирикчилик ташвишлари ичида ўз қалбини тоза сақлаган инсон. Зоминнинг жайдари қизи. Адабий тилда сўзласа ҳам, «желовчи»лиги сезилади. Талаффузи «сири»ни «фош» этади. Содда ҳатти-ҳаракати ҳам, ўзини тутиши ҳам, қорачадан келган юзларига зийнат бериб турувчи қолмиқи кўзлари ҳам.

Ҳокимиятда мен кўрмоқчи бўлган раҳбарлар йўқ экан.

– Чегарага яқин ерда Гагарин шаҳри қайта қуриляпти, – деди ўзини ўнғайсизроқ сезган ҳолда Меҳрибон. – Неча ойки бошлиқларимиз у ердан оёқларини узишмаяпти. Иш қайнаяпти.

– Шаҳар зўр қуриляптими?

– Европача. Бутун қулайликлари билан. Мен ҳам ҳар куни Гагаринга бориб келаман...

– Раҳбарлар кўриниб турса, иш унади-да.

– Шундай.

– Гагариннинг эски оти Ержармиди?

– Ҳа.

Жиззахнинг бугуни... Уни ўз кўзим билан кўриш учун шаҳарни кездим. Гоҳ яёв, гоҳ кўликда. Билдим: Римга тенгдош Жиззахкент янгича мақом билан 1926 йил 21 октябрь куни тузилган. У ҳозирда 49640 га. майдонни ишғол этади. 34 маҳалладан иборат. 174 минг нафар киши яшайди. 86 фоиз улуси ўзбек.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Жиззахкентда тўқимачилик, ип йигирув, аккумулятор, пластмасса, гилам, арматура, машинасозлик (қурилмоқда) завод-фабрикалари каби 753 та катта-кичик корхоналар мавжуд.

753 та... Идрок қилган киши Жиззахнинг улкан саноат шаҳрига айланаётганини ҳис этади. Бу рақам ҳам шундан далолат беради. Йилдан-йилга қўшма ва хориж корхоналари сони ортиб бормоқда: 49 та. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли. Жаҳон стандартларига жавоб беради.

Эски замонларда бўлмаган қуйидагилар ҳам. Жиззахнинг юксалаётганини кўрсатади: педагогика институти, политехника институти, ҳарбий авиация билим юрти, учувчилар мактаби (олий мақомли), ўлка музейи, Шароф Рашидов номидаги мемориал музей, болалар темир йўли (бундай темир йўл мамлакатда 3 та), 1165 ўринли футбол майдони, қуниқлар, истироҳат боғлари, йирик бозорлар, супермаркетлар, янги кўчалар, кўп қаватли бинолар...

Буларнинг бари кўзларга завқ, кўнгилларга қувват беради. Лекин... Ўзбекнинг шу мақоли тўғри: «Ҳар тўкисда бир нуқсон»... Уйлар кўркам, кўчалар равон бўлса ҳам, менинг назаримда, уларни қуришда (айрим ҳолларда) келажак ҳисобга олинмаган. Биноларнинг оралари бир-бирига яқин, улар аро ўтган йўллар тор қурилган.

Табиийки, йилдан-йилга аҳоли кўпайиб боради, кўлик кўпайиб боради. Йўлакларга одамлар, кўчаларга машиналар сиғмай қолади. Тартиб бузилади. «Пробка» пайдо бўлади. Бундан бақир-чақир, жанжал, ур-йиқит келиб чиқади. Натижада йўлларни кенгайтиришдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳол қат-қат биноларни бузишни, ўнлаб қатор йўл қуришни талаб этади. Бунга олдинги сарфга нисбатан бир неча марта кўп маблағ керак бўлади.

Ҳозирнинг ўзида йўл муаммоси юзага қалқиб чиқаётир. Тошкентдан Жиззахкентга кирилаётганда, яъни «Ором бозори»ни ёнлаб ўтилаётганда (тез- тез) ҳаракат тўхтаб қолмоқда. «Пробка»...

Бунга мен гувоҳ бўлдим. Демак, келажакда кўп қаватли биноларни ва йўлларни бузиш билан бирга, бозорни ҳам кўчиришга тўғри келади.

Келажакда бундай муаммо туғилишини билмаслик – шаҳарсозлик илмини билмасликдир. Буни мен давлатни триллионларга куйдириш, деб биламан. Шаҳарсозликни билсалар-да, «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қуриш эса ундан-да оғир жиноят. Бунинг тагида ўмариш ётади: миллиардларни...

Узоқни ўйламасдан ва шаҳарсозликни билмасдан қуриш жабрини Тошкент мисолида қайта-қайта кўрдик. Бошкент йўлларини кенгайтириш учун минглаб ўй-жойларни бузишга тўғри келди. Бунга сарфланган пулга яйдоқ ерда шаҳар қурса бўларди.

Кечган хатоларни такрорламаслик учун, менинг фикримча, Қурилиш боқонлиги (вазирлиги) қошида ва ёхуд алоҳида Шаҳарсозлик бош бошқармасини очиш лозим.

Мен Жиззахкентни икки кун кездим. Ўз кўрганларимни қандай бўлса, шундай ёздим. Шаҳарнинг 80 фоиз кўчалари носоз. Уйдим-чуқур, озодаликдан йироқ. Бу йўллар учун давлат ажратган, ажратаётган пуллар қаёққа кетяпти? Тегишли идоралар нега буни назорат қилмаяптилар?

Йўлларни мен инсон томирларига менгзайман. Уларда қон қанча яхши айланса, одам ўзини шунча енгил, соғлом, тетик сезади. Бу ҳол унинг руҳиятига ҳам таъсир этади. Ва у аъло кайфият билан юради, фикрлайди, ишлайди, ижод қилади.

Жиззахкентнинг ички йўлкалари ҳам кўнгилларни қувонтирадиган даражада сифатли таъмирдан чиқарилса, Жиззах мукаммал ва гўзал шаҳар тусига киради. Зотан, юртимизда юритилаётган сиёсат ҳам шуни талаб қилади.

**ЖИЗЗАХ – ФОРИШ ЙЎЛИ**

*Йўл азоби – гўр азоби.*

**Халқ мақоли**

«Менга баландпарвоз гаплар, қуруқ ҳисоблар эмас, одамларнинг розилиги керак».

Президентимизнинг шу гапидан келиб чиқиб қаралса, Жиззах – Фориш йўли эл талабига жавоб бермайди. Ўлка бўйича энг кўп автоҳалокат айни шу сўқоқда содир бўлмоқда. Чунки бу йўл (65 км.) узоқни ўйламай қурилган, сифатсиз, файзсиз, ҳатто, ўртадан оқ чизиқ ҳам тортилмаган. Қарама-қарши келаётган икки машина сиғар-сиғмас даражада тор.

Таъмирлар қўл учида қилинган. Минг улоқ, минг ямоқ. Асфальтлар кўчиб, шағаллар сочилиб ётибди. Айрим жойлар чизиллангандек ғадир-будир, ўнқир- чўнқир, ғалвир донни ўйнатгандек, машинани ўйнатади, баъзан отиб юборади, фожиа юз беради. Одамлар машиналарда юракларини чангаллаб ўтирадилар. Мен ҳам бу кўргиликни кўрдим.

Орқа ўриндиқларда ўтирган йўловчиларнинг норози сўзларини эшитдим:

– Боғдондан Жиззахга бориб келгунимча, ичак-чавоғим эзилиб кетади.

– Юрагим қон бўлади.

Ҳайдовчи йўлни ёмонлаб гап қотади:

– Машина машина бўлганига пушаймон ейди.

– Нега таъмир қилинмаяпти?

– Бизда йўллар юз марта таъмир қилинади. Фақат «иш





битгунча, эшак сувдан ўтгунича» қабилида.

Бу аччиқ, тўғри гаплардан ўйланиб қолдим. Одамлардан эшитганим, кўрганим – ғарб юртлари кўчалари кўз олдимдан ўтди: текис, равон, ёқаларида яшнаб турган яшил оғочлар, симёғочларга ўрнатилган чироқлар, у ёқдан, бу ёққа ғиз-ғиз қатнаётган машиналар...

Сўқоқлар шу даражада сифатли қурилганки, бирон ерда улоқ йўқ, шу даражада сифатли таъмирланганки, бирон жойда ямоқ йўқ.

Бунга ич-ичимиздан қойил қоламиз, ҳавас қиламиз... Буни мен уларни ўз эл-юртларини беҳад севишларидан, кўзлари тўқ, нафслари бутунлигидан, ўз давлатларига бир чақа ҳам моддий зарар етказишни истамаганларидан, деб биламан.

Бир куни дилкаш дўстим, синфдошим Муҳиддин Саттор (немис тили, адабиёти бўйича доктор, профессор) Германия сафаридан қайтгач, менга шундай деган эди:

– Немислар ҳар бир ишни жуда пухта, жуда сифатли қиладилар. Шу жумладан, йўлни ҳам. Бир куни касбдош дўстим Иоган билан бирга овлоқ ўрмонга қўзиқорин теришга бордик. У машинасининг копоти устига бир чойнак сув қуйди. Мени қойил қолдириш учун эмас, йўл сифатини синаб кўриш учун. Чойнак чайқалмади ҳам, сув тўкилмади ҳам.

Бу шунинг учунки, немислар бир ишни бир марта қиладилар. Қалбларини бериб, маромига етказиб.

Биз ўзбеклар ҳам шунга ўргансак, бир еримиз камайиб қолмайди. Ўрганайлик. Ёшларни юбориб ўргатайлик. Шунда йўлларимиз соз бўлади. Жиззах – Фориш сўқоғи ҳам эпақага келади...

Ўйим тарқади.

Орқа ўриндиқдан келган овозга ҳайдовчи жавоб қайтарди:

– Унга ҳам осонмас. Ҳоким бўлганига ҳали бир йил ҳам тўлмади. Энди киришар.

– Уруғингми дейман?

– Тоғам бўлади? – деди кесатиққа кесатиқ оҳангда ҳайдовчи. Гап узилди.

Мен Жиззах вилояти ҳокимини танимайман. Лекин у ҳақда «Тўғри сўз одам», « Ғайратли одам», деб эшитганман. 2018 йилда вилоятда ўсиш бўлган. Жиззах – Фориш йўли масаласига келсак, овозларда жон бор. Зотан, йўл ҳоким ваколатига киради.

– Раҳбар деган, – яна орқа ўриндиқдан ҳалиги овоз келди, – ҳамма тармоқларга «Бу майда, бу йирик» демай, тенг кўз билан қараб, иш олиб борса, камчиликлар деярли бўлмайди.

– Тўғри, ака, – бу гал «такси»чи «овоз»ни қўллади. – Президентимиз куйиб-пишиб ишлаяптилар, ҳадемай барча соҳаларда ўсиш бўлади. Йўл муаммоси ҳам барҳам топади...

Гап-сўз билан Боғдон шаҳарчасига келдик. Бир-биримизни танимаган ҳолда, хайр-хўшсиз «такси»дан тушдик. Мен Амир Беркин (жияним)га сўз берганим учун (Хонбандига боришга) бошқа машина ёлладим.

**МИНГ ЙИЛДАН СЎНГ...**

*Одам қилган эзгу иш – одам умрининг давоми.*

**Муродим ТУРДИ, академик**

Хонбанди – Боғдон тоғи билан Қизил денгиз (Ҳайдаркўл) ўрталиғидаги шаҳарча. Оралиқ тахминан бир тош. Балки сал кўпроқдир? Хонбандига бўм-бўш чўлни кесиб ўтган сўқоқ орқали эндик. Бу йўл «Обод қишлоқ» дастури муносабати билан таъмир этилган. Бироқ, нима сабабдандир икки-уч чақирими охирига етказилмаган. Фақат ўнқир-чўнқир жойлари тузатилган. Шунга қарамай, бу йўл менга ёқди. Шофёр сўқоқни мақтади:

*ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН*

*Озода, кўркам шаҳар одамнинг кўнглини очади. У шу элнинг кўзгуси.*

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА**

– Яхши йўл – жон роҳати.

Мен болалигимда Хонбанди ва унинг теваракларини кўп кезганман. Булар «Оқ гул», «Ойнур» романларимда ҳам акс этган.

Амир Беркиннинг уйига киришимдан олдин афсонавий Хонбанди сув омбори тўғонини зиёрат қилдим. Сув омборини қурум босган. Ёқаларга, ҳатто, қурум устиларига уйлар қурилган.

Адирсимон икки тоғ оралиғига қурилган тўғон (худди Чорвоқ сув омбори тўғони каби) деярли яхши сақланган. Тўққизта қулфаги ҳам вақт тўфонларидан омон ўтган.

Ривоятларга қараганда, тош унга айлантирилган. Тош-ун эса туя сути – қумрон билан қорилган. Сўнг у тўғонни бунёд этишда цемент ўрнида ишлатилган. Шунга ҳам Хонбанди асрлар синовига бардош бериб келаётганмиш.

Хонбандининг бунёд этилиши ҳақида эл орасида уч ривоят юради.

Биринчи ривоят: Хонбандини Абдуллахон (XVI аср) қурганмиш. Бу кечаги кечмиш. Тарих учун беш юз йил беш он ҳам эмас.

Иккинчи ривоят: Хонбандини Истамихон (Буюк Турк ҳоқонлиги салтанати) (VI аср) қурганмиш. Бу ҳақиқатга яқин ривоят. Истамихон даврида (ҳозир бўлкаланиб ётган) Турон гуллаб-яшнаган. Ариқлар, анҳорлар қаздирилган, сув иншоотлари қурилган, чўллар обод этилган.

Учинчи ривоят: Хонбандини Бўғрохон (859-955) ва унинг авлодлари – қорахонлилар (X аср) қурганмиш. Сотиқ Бўғрохон ўзини Қорахон, яъни Улуғ хон деб атаган. Менинг талқинимча, бу ҳақиқатга жуда яқин ривоят. Ҳатто, назаримда, айни ҳақиқат. Бунга тоғ тўрида жойлашган Қорахон қишлоғи ҳам гувоҳдир. Қишлоқ улуси ўз келиб чиқишини Қорахонга боғлайди. Ўз уруғини «Қорахон» дейди.

Қорахондан қуйида Қоратош қишлоғи эли, Қорамон уруғи яшайди. Боғдон халқининг ҳам бош уруғи – Қорамон.

Аҳмад Яссавийнинг менга сирлидай туюлган мана бу иккилиги эсимдан чиқмайди:

*Оқмон билан Қорамон*
*Сурган экан кўп даврон...*

Қорамон бир қавм. Яъни: Сомонийлар давлатига барҳам берган, Қорахонлилар салтанатига асос солган буюк қарлуқлар авлоди.

Қорахон, Қорамон. Икковининг ҳам ўзаги: қора. Қора – эски туркчада «улуғ» дегани. Улуғ билан хон қўшиб айтилса, Улуғхон атамаси келиб чиқади. Хон эса ҳоқон сўзидан туғилган. Қорахон, Қорамон уруғлари бу сулув водийда Хонбанди сув омборини қурганлар ва экинчилик билан шуғулланганлар. Сулув водий дейишимга сабаб, ўн чақирим юқорида Боғдон тоғи салобат тўкиб турибди. Этакда бепоён ўтлоқ ястаниб ётибди. Ўтлоқ адоғида яна тоғ. Ҳозир мен турганим – тўғон қурилган тоғ. Унинг этаги чўл, Уст-юрт-у Ҳазар денгизича чўзилган тоза тупроқли чўл. Чўлнинг қуйи қисмида яна тоғ қад керган. Унинг орқа томонида Ҳайдаркўл мавжланиб ётибди.

Мени ҳайрат, ҳаяжонга солган нарса – бу беадоқ чўлни, шўрдан холи, тоза тупроқли чўлни минг йил кечароқ тағин гуллаб-яшнашига бўлган ҳаракат, қудратли ҳаракат, истиқболи беқиёс ҳаракат.

Ўзимга – ўзим савол бераман: Бўғрохондан сўнг, яъни минг йил кечгандан сўнг учи-қири йўқ бу чўлни ўзлаштириш фикри кимнинг хаёлига келди экан? Ажабо, кимнинг? Минг йил ичида Турон-у Туркистонга қанча-қанча шоҳлар келиб кетишди? Қанча-қанча? Бироқ...

Саволимга жавоб излайман. Синфдошим, сирдош дўстим, теран билим эгаси, техника фанлари доктори, профессор (Тошкент ирригация институтини битирган, шу олийгоҳда ўқитувчи, кафедра мудири, декан, проректор, ректор бўлган. Ҳозир ҳам, етмишдан ошганига қарамай, мазкур институтда ўқитувчи) Абдураҳмон Ражабнинг сўзи туйқус эсимга тушди:

– Қорахонлилар империясидан кейин бу чўлларни ўзлаштириш ғояси ушбу инсондан чиққан: Шавкат Мирзиёевдан.

– Ҳозир Сирдарё тармоқларидан Боғдонга сув олиб келиш учун анҳор қазиляпти. Қорамон сув омбори қуриляпти.



– Узоқни ўйлаб қилинаётган иш.

– Анҳор Жиззахдан ўтган, Оқтомга яқинлашган.

– Буюк янгилик!

– Ҳозирча 20 минг гектар ер ўзлаштирилади. Узумзорга айлантирилади. Вино заводи қурилади. Боғдон узумига, Боғдон майизига дунё ҳавас қилади. Ёнғоқ, ўрик, олма, нок, тутлар...

– Оламга татигулик янгилик.

– Сизга айтсам, келажакда Боғдонда юз минг гектар ер обод этилади. Кейин. Яна ...

– Сув муаммоси-чи, дўстим? – мен Абдураҳмон Ражабнинг сўзини бўламан.

– Ҳайдаркўл суви чучуклаштирилади, – дейди Абдураҳмон Ражаб ишончга қотилган содда овозда.

– Қимматга тушмайдими?

– Тараққиёт сувни чучуклаштиришда янада енгил, арзон йўлини топади.

– Тангри карами беқиёс.

**(Давоми келгуси сонларда)**

# «Ishonch» кўзгусида

**Жиззах вилояти**

## Яна бир ҳамкорлик...



Франциянинг «ФИВС» компанияси Жиззахда архитектура ва автомобиль ойналари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширади. Мазкур лойиҳага инвестиция талаблари асосида Жиззах эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан ер майдони ажратилди.

## Токзорлар кенгаяди



2019-2020 йилларда Фориш туманида токзорлар кенгайтирилади. Вилоят ҳокимлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланаётган лойиҳа доирасида 10 минг гектар лалми майдонда майиз етиштиришга мос узумзорлар барпо этилади. Айни пайтда туман ҳокимлиги узум етиштиришга мос келадиган ерларни соҳибкорларга ўз вақтида ажратиб бериш чораларини кўраяпти.

## Ҳам тежамкорлик, ҳам ҳосилдорлик



Жорий йилдан бошлаб Жиззах вилоятида пахтани томчилатиб суғоришга киришилади.

Сув хўжалиги вазирлигининг вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликдаги лойиҳаси натижасида 2019-2020 йиллар давомида фермер хўжаликлари ихтиёридаги 1 минг 231 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш усули жорий этилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, томчилатиб суғориш нафақат обиҳаёт тежамкорлигига эришиш, балки тупроқ эрозиясининг олдини олиб, ҳосилдорликнинг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## Сузиш ҳавзаси



Зарбдор туманида болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуада 11х25 метр ўлчамдаги сузиш ҳавзаси, мураббийлар ҳамда шуғулланувчилар учун ювиниш, кийиниш, дам олиш ва тиббиёт хоналари, шунингдек, сувнинг таркиби ва сифати назорат қилинадиган лаборатория мавжуд.

## «Караман»да иш қизғин



Фориш туманида «Караман» сув омборини қуриш ишлари жадал суръатда. Сув омбори фойдаланишга топширилгач, 50 минг гектар ер майдонини суғориш имконияти юзага келади.

## Писта, бодом, ёнғоқ...



Жиззахда ўрмон хўжаликларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилда 2500 гектар писта, 500 гектар бодом, 500 гектар ёнғоқ ва 200 гектар мевали боғ плантациялари барпо этилади. Бундан ташқари, 1,2 миллион дона наъматак қаламчалари ўтказилиб, 2000 та асалари уялари барпо этилади.



**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
«Ishonch»

Наманган вилояти

Тарғибот

# Ходим ҳамиша ҳимояда

## *Бу, албатта, жамоа шартномасида ўз аксини топиши керак*

Кимдан сўраманг, қўлини кўксига қўйган ҳолда меҳнат қилаётган корхонасининг барқарор бўлишини, ишга хуш кайфиятда келиб-кетишни исташини изҳор қилади. Айни шу истаклар ижобат корхонада мутахассислар қўним топиб, иш ўрнининг хавфсизлиги юзасидан ҳам муаммолар бўлмайди. Аслида, касаба уюшмасининг мақсади ҳам шу: иш ўрни хатарсиз, ходимлар манфаати ҳамиша кафолатланган бўлсин, бу имтиёзлар эса, албатта, жамоа шартномасида ўз аксини топиши керак.

Чуст туманидаги «Технолог ГР» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган йиғилишда мазкур масала атрофлича таҳлил қилинди. 2018 – 2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси ижроси ва мазкур ҳужжатга жорий йил учун киритилаётган қўшимчалар ҳақида ишчилар хабардор этилди. Йиғилишда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳамедов, тармоқ касаба уюшмасининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси Қодирхон Мавлонов қатнашди.

Тан олиш керакки, нодавлат секторда ишловчиларга, айниқса, тадбиркорларга касаба уюшмасининг афзалликларини тушунтириш бирмунча мураккаб жараён. Аксарият иш берувчилар касаба уюшма лидерларининг ходимлар билан мулоқотига тўсқинлик қилиши ҳам бор ҳақиқат. Аммо ушбу корхона раҳбари Сайдулло Мағзумов адолат мезонларига таяниб фикрлайдиганлардан. Бу йиғилиш чоғида яна бир бор тасдиғини топди.

– Касаба уюшмасининг фаолияти бизга ёрдам беради, айрим ўринларда камчиликларимизни тўлдиради ҳам, – деди у. – Уларнинг мақсади ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, менинг ҳам талабим шу: ходим яхши, сифатли ишласин ва кўпроқ даромад топсин. Иш жойини яхши кўрган ходим билан ҳар қандай юксак маррани забт этиш мумкин. Мен айрим тадбиркорлар сингари бўлса-бўлмаса, ишчини бўшатишни нотўғри деб ўйлайман. Чунки кечагина коллежни битириб келган ғўргина йигит-қизга иш ўргатиш учун менинг меҳнатим, вақтим, маблағим кетар экан, нега уни ҳавога совуришим керак? Касаба уюшмасининг туман кенгашига раислик қилувчи Манзура опа Ҳакимованинг бу борадаги таклифлари менга маъқул. Иш ҳақидан қарздорлигимиз йўқ, байрам-тантаналарда доим ибрат кўрсатганларга совғалар тақдим этамиз. Мана, бу йил ҳамма ходимларимизни ўз ҳисобимиздан тиббий кўрикдан ўтказишни жамоа шартномасига киритдик. Март ойида эса 4 нафар ишчимизни Хитойга малака ошириш учун юборамиз.

Йиғилишда, таомилга кўра, касаба уюшма қўмитаси раиси Абдусамат Убайдуллаев ҳисоботи тингланди.

Дарвоқе, ўтган йилнинг бошида 89 нафар ходим билан ишлаган корхонада ҳозирда 102 киши меҳнат қилмоқда. Чунки металлдан турли истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона маҳсулотлари бозорда харидоргирлиги билан тобора тилга тушмоқда. Оддий кийим илгич, эшик-деразa ромлари учун эҳтиёт қисмлар, тутқичлар дейсизми, хуллас, уй-жой жиҳозлари ва хўжалик буюмлари учун 100 турга яқин кичик деталларга кўзингиз тушганда, билингки, бу «Технолог ГР» маҳсулотлари. Уларни эса ёш, забардаст, хориж технологияси асосида ишлаш ҳадисини олган йигит-қизлар яратмоқда.



**Дилдора РАҲМОНОВА**
**«Ishonch»**

Хоразм вилояти

Конференция

**Урганч давлат университетида 2017-2019 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2018 йилдаги ижроси ва унга 2019 йил учун қўшимчалар киритишга бағишланган конференция бўлиб ўтди.**





# Фаолият дастури муҳокамаси

Бугунги кунда касаба уюшма қўмитаси 10795 нафар аъзони бирлаштиради. Улардан 1106 нафари профессор-ўқитувчилар, 9689 нафари талабалардир. Жамоа шартномаси 14 боб ва 222 банддан иборат.

Университет ректори Б.Абдуллаев жамоада амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Таъкидландики, 2018 йил давомида 109 нафар профессор-ўқитувчининг малакаси оширилди. Қарийб 134 миллион сўмлик замонавий техник воситалар сотиб олинди. Ахборот-ресурс марказини янги адабиётлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун 534 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Университетнинг барча тизимлари ва бўлинмаларидаги ишлаш, ўқиш, яшаш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги шароитларини яхшилаш чоралари узлуксиз назоратда бўлиб, ходимлар ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда. Даволаниш ва дори-дармон олишга эҳтиёжманд ходимлар ва талабаларга 81 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдамлар ажратилди. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ходимларга 1 миллиард 303 миллион сўмдан зиёд устама ҳақ тўланди. 102 нафар иқтидорли талабага устама стипендиялар белгиланди. Фан олимпиадалари, кўрик-танловларда ғолиб чиққан талабалар ва уларнинг устозлари муносиб рағбатлантирилмоқда.

10 йилдан ортиқ ишлаган ходимларнинг 50 ёшлик саналарида бир ойлик, нафақага чиқаётган ходимларга икки ойлик маоши миқдорида рағбатлантириш йўлга қўйилган. Умуман, жамоа шартномасининг барча бандлари бўйича режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилди ва жамоада меҳнат қилиш ҳамда ўқиш учун қулай шароит яратишга эришилди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси О.Отажонов ўз ҳисоботида аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат соҳасидаги манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, спорт-соғломлаштириш, дам олиш, маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Жумладан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда соғломлаштириш учун 34 та имтиёзли йўлланмалар ажратилган. Даволанишга муҳтож кам таъминланган ходимлардан 126 нафарига касаба уюшма томонидан моддий кўмаклашилди. Касаба уюшма фаолларини муносиб рағбатлантириш чоралари кўрилди. Ҳар бир байрамда маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланди.

Музокарада сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар ва талабалар жамоа шартномаси университет илмий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф қилишди. Конференция ушбу ҳужжатнинг 2018 йилдаги ижросини қониқарли деб топди. 2019 йил учун зарур ўзгартиш ва қўшимчаларни касаба уюшма аъзолари муҳокамасидан сўнг киритиш тўғрисида қарор қилинди.

Конференцияда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси М.Раҳимова сўзга чиқиб, касаба уюшмалари олдида турган долзарб масалалар, соҳа ривожи, илм-фан тараққиёти йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга эътиборни қаратди.



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
**«Ishonch»**

Фарғона вилояти

Юртимиз сиҳатгоҳлари

# Дардга малҳам, ҳордиққа ҳамдам

**Фарғона вилоятининг хушманзара ва сўлим гўшасида жойлашган «Чимён» санаторийсида саломатликни тиклаш ва мароқли дам олиш учун барча шароит яратилган. Саломатлик маскани маъданли сувининг таркиби сульфид-олтингугуртга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ердан чиқаётган шифобахш минерал сув Сочидаги «Мацеста» сиҳатгоҳи сувларига ўхшаш бўлиб, айнан шунга кўра бу гўша йил давомида нафақат маҳаллий, балки хорижлик дам олувчи ва даволанувчилар билан ҳам гавжум.**




800 нафар даволанувчини қабул қилиш имконига эга муассасада асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик, урологик, тери ва 4 ёшдан юқори болаларда кечадиган (артрит, бронхит, тонзилит, энурез, невроз) касалликлар даволанади.

Икки қаватли замонавий даволаш биноси, битта тўрт қаватли ва тўртта беш қаватли кўркам ётоқ бинолари даволанувчилар хизматида.

Санаторий майдони 28 гектардан иборат бўлиб, муҳим жиҳати, ҳудуддаги биноларнинг барчаси рассом-дизайнерлар томонидан юксак дид ва маҳорат билан бадиий безатилган. Турли спорт майдончаларида дам олувчилар вақтини мазмунли ўтказишади.

– Кейинги икки йил ичида сиҳатгоҳимизда бирмунча ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, муассасанинг даволаш бўлимида туз ғори ва ГАИ аппарати ёрдамида даволаш, BTL аппарати орқали умуртқа поғонасини тортиш, BTL прессотерапия аппарати ва фито-бочка билан даволаш хоналари капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, физиотерапевтик даволаш ҳамда сув ости уқалаш хоналари замонавий талаб даражасида таъмирланди. Ётоқ хоналари замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали, тренажёр зали бутунлай қайта реконструкция қилинди, – дейди санаторий директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазокат Боймирзаева. – Келгусида тиббий хизмат сифатини ошириш учун замонавий «Цзин-да» аппарати билан ванночка усулида даволаш, «Небулизер» аппарати ёрдамида юқори нафас йўлларини ингаляция усулида даволаш ва азонотерапия муолажаларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу, албатта, даволанувчилар сонининг ошишига хизмат қилади.

Даволашнинг асосий негизини серводородли минерал сувлар билан ванналар қабул қилиш ҳамда шифобахш балчиқ ташкил этади. Сиҳатгоҳда ичиш учун сульфат гидрокарбонат-натрийли минерал сувдан фойдаланилади. Шифобахш ичимлик суви овқат ҳазм қилиш органларининг шира ажратиш, ҳаракат ва сурилиш функцияларига ижобий таъсир этиб, оқсил, қанд, сув, туз алмашинувини яхшилайди, ферментлар фаоллигини оширади.

Бундан ташқари, бу ерда стоматология, таҳлил, фитобар, спорт ва бадантарбия, умуртқа поғонасини компьютерли BTL аппарати орқали тортиш ва турли физиологик муолажалар хоналари мавжуд. Қолаверса, дам олувчилар терапия, неврология ва физиотерапия йўналишлари бўйича даволаниш имкониятига ҳам эга.

Сиҳатгоҳда даволаш ишларини замон талаблари асосида ташкил қилиш, физиотерапевтик ва бальнеологик даволаш усуллари ҳамда даволаш бадантарбиясини кенг қўллаш, даволанувчиларни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиш ҳамда янги даволаш-ташхис усулларидан кенг фойдаланиш тизими яратилган. Хусусан, замон талабига жавоб берадиган даволаш-ташхис базаси, функционал ташхис хоналари, ультратовуш текшируви ва бошқа ташхис хоналари фаолият кўрсатмоқда.

– Ушбу сиҳатгоҳга ҳар йили келишни одат қилганман, – дейди пойтахтдан ташриф буюрган Шокир Мақсудов. – Бу маскан баҳаво табиати, саранжом-саришталиги, ходимларнинг ширинсуханлиги билан меҳримни қозонган.

– Кўпчилик қиш кунларида дам олишни хуш кўрмайди. Аммо бу сиҳатгоҳда барча фаслларда мароқли дам олиш мумкин, – дейди Андижон вилоятидан келган Азизбек Охунов. – Шароитлар кўнгилдагидек. Муолажалардан сўнг сайр қилиб, мўъжазгина кутубхонада китоб мутолаа қилиб, вақтимни мазмунли ўтказяпман.

– Мазкур санаторийда биринчи марта бўлишимиз, – дейди йўлланма асосида Тошкентдан келган Зиёдулла Ҳакимов ва унинг турмуш ўртоғи Насиба Ҳакимова – Бу ер бизга жуда ёқди. Малакали шифокор тавсияси билан муолажаларни оляпмиз. Соғлигимизда яхши томонга ўзгаришлар бор. Даволаниш хоналари, ётоқ хоналари замон талаблари даражасида жиҳозлангани таҳсинга сазовор.

Дам олиш масканида 24 нафар малакали олий тоифали шифокор, 134 нафар тиббиёт ҳамшираси, шунингдек, 295 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда сиҳатгоҳга келувчиларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида даволаниш хоналари жаҳон андозаларига мос янги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Даволашда фито-сауна усули йўлга қўйилди. Астма касаллигини даволашда «Туз ғор» усули қўлланилмоқда. Урологик касалликларни даволашда «Андро-ген» компьютерли аппаратидан фойдаланилаётир. Замонавий ГАИ аппарати асаб касалликларини даволашда қўл келаётган бўлса, BTL аппарати ёрдамида эса умуртқа суяклари чўзилиб, чурра касаллигини даволаш муолажаси амалга оширилмоқда.

Бундан уч-тўрт йил аввал сиҳатгоҳга республикамизнинг турли ҳудудларидан ўртача 18-20 минг нафар киши саломатлигини мустаҳкамлаш учун келган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 26 минг 548 нафарни ташкил этмоқда. Айниқса, хорижлик ташриф буюрувчиларнинг сони ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сиҳатгоҳга хориждан 2016 йилда 220 нафар, 2017 йилда 693 нафар, 2018 йилда эса 1146 нафар киши даволаниб, ҳордиқ чиқарди.

– Сиҳатгоҳда савдо шохобчалари, мобиль алоқа тизими мавжуд. Хоналардаги телевизор, кабелли телевидение, музлатгич, кондиционерлар дам олувчиларга манзур бўлмоқда, – дейди «Маданият саройи» мудираси Дилдора Мирзаматова. – Меҳмонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун концерт дастурлари, шу яқин ҳудуддаги зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилади. Турли кўнгилочар тадбирлар, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари ташкил этилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, 5 мингдан ортиқ китоб фондига эга 50 ўринли кутубхона доимо гавжум. Дам олувчиларнинг аксарияти бўш вақтларининг асосий қисмини шу ерда ўтказиб, бадиий адабиётларни мутолаа қилиб, газеталардан сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишади. Қолаверса, 1100 ўринли ошхонада тайёрланаётган витаминларга бой таомлар дам олувчиларга роҳат бағишламоқда.

Чиндан-да, мазкур сиҳатгоҳ мазмунли ҳордиқ чиқариш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун қулай маскан. Дам олувчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш борасида тинимсиз изланаётгани муассаса шуҳратига шуҳрат қўшиши тайин.







**Жамшид ЭРГАШЕВ**
**«Ishonch»**

Қорақалпоғистон Республикаси

Мусобақа

# Спортсевар ҳамкасблар

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Беруний тумани кенгаши тасарруфидаги муассасаларда ишловчи ходимлар ўртасида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 27 жамоа таркибида 270 нафардан кўпроқ иштирокчи қатнашди.

Қизғин ва муросасиз ўтган беллашувларда аёллар ўртасида биринчи ўринни Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, иккинчи ўринни 38-умумтаълим мактаби, учинчи ўринни эса 8-умумтаълим мактаби жамоалари эгаллади.

Эркаклар ўртасида эса биринчи ўрин 41-мактаб, иккинчи ўрин 28-мактаб, учинчи ўрин 2-мактаб жамоаларига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.



**Ортиқбой МАМУТОВ**
**«Ishonch»**

Қашқадарё вилояти

Касаба-сайр

**«Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» корхонаси касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ишчи-ходимлар, жумладан, ёшларнинг Қарши шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Саёҳат давомида улар вилоят марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.**

# Кимёгарлар саёҳати

Айниқса, «Ватанпарварлар боғи» саёҳатчиларга манзур бўлди. Ушбу боғ ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, миллий армиямиз куч-қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

Саёҳат Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида атоқли адиб Чингиз Айтматов асари асосида саҳналаштирилган «Жамила» спектакли томошаси билан якунига етди.

**Шавкат ТОИРОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Ўқув-семинар

# Ўзаро тажриба алмашилди

**«Бўстон санаторийси» МЧЖда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар клуб мудирлари учун «Маданий-маърифий ва спорт ишларини такомиллаштириш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.**

Ўқув машғулотлари жараёнида «Бўстон», «Ситораи Моҳи Хоса», «Ботаника», «Косонсой,» «Турон» сиҳатгоҳларининг фаолияти, шунингдек, уларда маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш бўйича кўргазмали слайдлар асосида маърузалар қилинди.

Мавзу юзасидан ўтказилган тренинг машғулотларида иштирокчилар ўз фаолиятларидан келиб чиқиб, соҳада эришилган ютуқлар, мавжуд имкониятлар, камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги ишларни талаб даражасида ташкил этиш учун бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, кутубхоналар фаолиятини жонлантириш, ходимлар ва дам олувчиларни кутубхонага аъзо қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ҳамда турли адабий-бадиий тадбирлар уюштириш, ходимлар гимнастикаси ва эрталабки бадантарбия машқларининг ўтказилишини қатъий назоратга олиш кабилар муҳим масалалар сирасига кириши таъкидланди.

Машғулотлар жараёнида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиш, янги меъёрий ҳужжатлар билан танишиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш имкониятига эга бўлишди.

Семинар доирасида тингловчиларнинг таниқли шоир Шукур Қурбон, ёзувчи Набижон Ҳошимов билан учрашуви, Зангиота зиёратгоҳи, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Муқимий номидаги мусиқали драма театри спектаклига ташрифи уюштирилди.

**Севара ЭШОНҚУЛОВА,**
«Ботаника санаторийси» МЧЖ ходими

Сарҳисоб

**«Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасида корхона ва касаба уюшма ҳудудий қўмитасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида белгилаб олинган мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланган қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.**



# Темирйўлчилар тўғри йўлда

Унда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари М.Рўзметов, узел бошлиғи И.Фармонов тизимдаги корхона, ташкилот бошлиқлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб жамоа шартномасида белгиланган иш берувчининг мажбуриятлари ижросини таъминлаш юзасидан ўтган йил давомида қилинган ишлар бўйича узел раҳбарининг ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг корхона раҳбарлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари раислари сўзга чиқиб, жойларда ишчи-ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот беришди. Иш фаолияти давомида йўл қўйилган камчилик ва муаммолар танқидий руҳда кўриб чиқилди ва уларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.



Тадбир доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатининг «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида»ги Низоми асосида касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган кўрик-танловнинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, «Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхона», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши касаба уюшма ташкилоти», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг ёш мутахассис» номинациялари бўйича ғолибларга корхона касаба уюшма ҳудудий қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Жаҳонгир САДИЕВ,**
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Навоий вилояти

Меҳнат ярмаркаси

# Ишли инсон – бахтли инсон

Конимех туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги корхона ва ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари ўзларининг 161 та иш ўрни билан иштирок этди.

Шу куннинг ўзидаёқ 14 нафар киши ишга кириш учун йўлланма олди. Бундан ташқари, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— 34-мактабгача таълим муассасасига ишга қабул қилиндим, – дейди коллеж ўқувчиси Ойниса Нуримова. – Бундан жуда хурсандман. Албатта, ҳалол меҳнат қилиб; оилам ва жамиятимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Тадбирдан иш берувчилар ҳам мамнун. Боиси корхона ва ташкилот меҳнат ярмаркасида ўзига керакли малакали мутахассисни танлаш имконига эга бўлади.



**Дилафрўз ЎРОЗОВА**
«Ishonch»



Наманган вилояти

Бугуннинг гапи

**Тан олиш керак: хусусий секторда фаолият юритаётган ва ходимлари касаба уюшмаси аъзолигидан наф кўраётган ташкилотлар оз эмас. Аммо кўпчилик ишлаб чиқарувчилар касаба уюшмаси тузишни тарғиб қилиб келгувчилар билан ходимлар ўртасида учрашув ўтказмаслик пайида бўлишади. Ваҳоланки, аъзолик бадали корхонанинг эмас, ходимнинг иш ҳақидан тўланади.**

# КАСАБА УЮШМАСИСИЗ ТАШКИЛОТ

## *унда меҳнат муҳофазаси оғриқли нуқтага айланади*

Шу пайтгача касаба уюшмаси тузишни истамаётган корхоналарда ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси масаласи оғриқли нуқтага айланиб улгурди. Аксарият текстил корхоналарида ходимлар узлуксиз ишлашади, ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, танаффуслар ва таътиллар, ҳомиладорлик ва бола парвариши учун дам олиш мавжуд эмас. Чангли, кимёвий унсурли, шовқинли шароитда ишлаётган ходимларга ҳимоя воситалари иш берувчи ҳисобидан олиб берилмайди, касб касаллигига чалинмаслик юзасидан амалий чоралар кўрилмайди. Натижада ёшгина қиз-жувонларда турли касалликлар (диск чурраси, карлик, бронхит ва ҳоказо) авж олмоқда. Арзон ишчи кучининг бисёрлиги гўёки улар билан хоҳлаганча «интрига» қилишга шароит яратмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат тизимли равишда таҳлил этилмаяпти, жамиятда умумий манзара ҳосил қилаётган вазиятга етарлича баҳо берилмаяпти. Соддароқ қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчилар наздида инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминловчи меҳнат муҳофазаси масаласи охирги даражали масалага айланиб бормоқда. Меҳнат инспекторлари фақат бахтсиз ҳодисалар юзасидан далолатномалар тузиш асносида корхоналарга етиб боришмоқда. Бу эса ишларимиз кўламининг етарли эмаслигидан далолатдир.

Аъзоликка жалб қилиш мақсадида бир нечта автомобилларга газ қуйиш шохобчалари раҳбарияти билан учрашдик. Имтиёзлар ҳақида гапирсак, «Ўзимизнинг тизимда ҳам соғломлаштириш масканлари, санаторийлар бор, ходимларга шусиз ҳам ҳимоя воситалари олиб берaверамиз», дея гўё эътирозга ўрин йўқдек таклифни рад этишди.

Конституциямизнинг 59-моддасига биноан, касаба уюшмаси тузиш ихтиёрий. Аммо соғломлаштириш масканларига асосан раҳбар ходимларнинг боришини, оддий ишчининг моддий имконияти ҳаминқадарлигини инобатга олсак, ижтимоий адолат тамойиллари бузилишини кузатамиз. Кишини беихтиёр ўйга толдирадиган совуқ хабарларни айтмайсизми?!

Хусусан, 2018 йилнинг 1 июнь куни Фарғона шаҳрида жойлашган «Mig Oil Metan» МЧЖга қарашли автомашиналарга метан газ қуйиш шохобчасида Қўштепа туманида яшовчи пенсионер С.С. ўзининг «Нексия» русумли автомашинасига газ тўлдираётган вақтида автомашинага ўрнатилган метан газ баллони портлаб кетган ва оқибатда бир киши ҳаётдан бевақт кўз юмган эди. 13 июнь куни Фарғонадаги метан газ қуйиш шохобчаларидан яна бирида портлаш содир бўлади. Ҳодиса оқибатида бир киши ҳалок бўлган.

Бу рўйхатни, афсуски, яна давом эттириш мумкин. Аммо ҳалок бўлаётган ходимларнинг ортида қолаётган оила аъзоларининг тақдири кўнгилда оғриқ уйғотади. Яна бир ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам аъзолари... Агарки, иш берувчилар бу масала ҳақида олдинроқ бош қотиришса, вақтида йўриқнома ўтказилиб, анжомлар билан ҳимояланиб борилса...

Мана бу кўнгилсизлик Мингбулоқ туманидаги якка тартибдаги хусусий тадбиркор Шуҳрат Ортиқовга қарашли эшик, дераза ва бошқа ёғоч буюмлар тайёрлаш цехида рўй берди. Фуқаро Дилшод Жалолов ёғоч тилиш дастгоҳида ишлаётган вақтида ўнг қўли дастгоҳ аррасига тегиб кетган. Натижада ўнг қўл кафти оғир очиқ шикастланади. Кафт ички ва ён юзалари эзилиб йиртилиб жароҳатланади. 2, 3, 4, 5 бармоқлар чуқур ва юза букувчи пайлари тўлиқ узилади.

Ишчини жароҳатлаган дастгоҳдаги двигателнинг айланиш тезлиги 1500 айл/мин, қуввати 4.5 кВт бўлгани ҳолда, харакатланувчи қисмларнинг ҳимоя воситалари йўқ бўлган. Цехнинг ёритиш тизими ҳам кўнгилдагидек ишламаган.

Хавфсизлик техникаси талаблари бўйича ёғочсозлик дастгоҳларида иш бошлашдан олдин тўсиқлар текширилади. Дастгоҳнинг барча чиқиб турган айланувчи қисмлари тўсилган бўлиши лозим. Аммо цехда бундай шароит бўлмаган, тўсиқлар билан таъминланиш тўғрисида огоҳлантирувчи масъул шахслар ҳам.

Тўғри, тадбиркор жабрланувчининг харажатларини қоплаб берди, мазкур ҳодиса давлат меҳнат экспертлари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар тоифасига кирмаслиги маълум қилинди. Аммо бир шахс меҳнат шароитининг номуносиблиги туфайли ногиронга айланганлиги кундек равшан-ку!

Бундай ҳодисалар ҳақида эшитганимизда, кўпинча «Менда бундай бўлмайди, ўз эҳтиётимни қиламан!» деган овоз келади ич-ичимиздан. Аммо фалокат қош билан қабоқ ўртасида. Буни фаромуш этишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Дарвоқе, шу ўринда касаба уюшмасини ортиқча бош оғриқ деб баҳоловчи раҳбарларга эслатиб ўтсак: Меҳнат кодексининг 9-моддасига биноан, касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни амалга оширади. Демакки, у сиз учун кутилмаган харажатларнинг олдини олишда кўмакчи, жамоадошлари учун эса қонуний ҳуқуқлар таъминотчисидир. Бу таъминот, алалоқибат, фақат сизнинг манфаатларингизга хизмат қилади.

**Мирзанозир ҚОРАБОЕВ,**
Наманган ВКУТБ бўлим мудири.
**Дилдора РАҲМОНОВА,**
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Базавий лавозим маоши



## Ҳақ тўлаш: вақтбайми ёки ишбай?

Ҳозирги пайтда аксарият олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг иш кунлари ишхонада 9:00-17:00 гача бўлиши талаб этилади. Бу тартиб махсус журналда қайд этиб борилади. ОТМларда жорий этилган «Вақт меъёрлари»да эса соатлар кўрсатилган. Ҳақли савол туғилади: профессор-ўқитувчиларга нима асосда (ўқув юкламаси, барча соатлар ёки ишхонада бўлган вақт) ҳақ тўланади? Қолаверса, ҳақ тўлаш тартиби вақтбайми ёки ишбай?

**Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,**
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

Газетанинг жорий йил 5 февралдаги сонида эълон қилинган **«Ҳақ тўлаш: вақтбайми ёки ишбай?»** номли мурожаатга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

*«Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сонли (Адлия вазирлигида 2018 йил 8 октябрда 3076-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш Қоидалари»га асосан професор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари киритилади.*

*Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши лозим. Бунда тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг лавозимларига қўйилган талаблари ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 133-сонли қарорининг 4-иловасида келтирилган «Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати»да олий ўқув юртлари ходимларининг ўқитувчи–профессорлари иш соати ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланган.*

*Шу билан бирга, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг иш тартиби иш берувчи билан ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ белгиланиши ҳамда юқорида қайд этилган меъёрлардан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш базавий лавозим маошлари миқдорида белгиланади.*

**Вазир ўринбосари С.Бузрукхонов**

* * *

# Тил ҳақида қайғуриш – умумхалқ иши



«Жон»сиз жумлалар
ёхуд тилшуносликда сунъий «ихтиролар»га ҳожат борми?

Газетанинг шу йил 14 февралдаги сонида чоп этилган **«Жон»сиз жумлалар ёхуд тилшуносликда сунъий «ихтиролар»га ҳожат борми?»** сарлавҳали мақолага Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти томонидан шундай фикр билдирилган:

*«Мақолада келтирилган материаллар сарлавҳада айтилганидек, «жумлалар» эмас, балки бирикма номлар ҳисобланади. Қолаверса, улар тилшуносликда «ихтиро» қилинмаган, балки расмий тил амалиётида юзага келган бирликлардир. Мустақилликдан аввал «қишлоқ совети» деб юритилган маскан кейинчалик «фуқаролар йиғини» шаклида ўзгартирилди. Унинг «маҳалла фуқаролар йиғини» тарзида аталиши «овул фуқаролар йиғини», «шаҳар фуқаролар йиғини» сингари тушунчалардан фарқлаш зарурияти билан юзага келган. Расмий тил амалиётида «мактабгача таълим муассасаси» номининг ишлатилиши ҳам уни таълимнинг бошқа турларидан ажратиб кўрсатиш эҳтиёжига кўра ҳосил бўлган. Ўзаро яқин тушунчаларни бу тарзда фарқлаш мумкинлиги ҳақида тилшуносликда ҳам айтилади. Аҳолининг муайян тоифасини «уюшмаган ёшлар», «уюшмаган хотин-қизлар» тарзида аташ эса ўзбек тили қонуниятлари нуқтаи назаридан бир қадар ноўрин.*

*Албатта, она тили ҳақида қайғуриш, унинг истиқболини ўйлаш зарурий юмуш, умумхалқ ишидир. Айни пайтда истеъмолга киритилаётган ҳар қандай атама ўзбек тили қонуниятларига мос бўлиши, ўзи ифодалайдиган тушунчани тўғри ва аниқ ифодалаши лозим».*

**Институт директори Н.Маҳмудов**

* * *

# Қонунчилик такомиллаштирилади



Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантирмоқда

Газетанинг шу йил 12 февралдаги сонида эълон қилинган **«Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантирмоқда ёхуд хусусий телеканаллар раҳбарларига очиқ хат!»** сарлавҳали мақолага Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси қуйидагича жавоб хати юборди:

*«Юртимиздаги айрим хусусий телеканаллар орқали халқимиз маънавиятига, айниқса, ёшлар онгига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган материаллар намойиш этилаётгани бўйича ҳамда миллий маънавиятимизни асрашни кўзда тутувчи ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги мақолалар учун қўмита таҳририятга миннатдорчилик билдиради.*

*Уларда қайд этилган масалалар бўйича «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (янги таҳрири), шунингдек, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги каби қонунлардаги тегишли моддалар ўрганиб чиқилмоқда.*

**Қўмита раиси А.Қирғизбоев**

Мулоҳаза

# Тарбия учун фақат мактаб масъул(ми?)

Меҳри жўшиб кетган ота фарзандини елкасига олади: «Дунёга мендан-да юксакдан назар сол!». Бу ҳақиқий ғамхўрлик ва фарзандни барча нарсадан, ҳатто, ўзидан-да азиз билиш ифодаси.



Фарзандини эркалатмоқчи бўлган ота унинг боши узра осмонга отади: «Мендан-да юксак бўл!».

Ота ўғлини суйганда «отам» дейди, қизига эса «она қизим» деб мурожаат этади... Бунинг тагида шундай ҳикмат бор: бугун сени суйсам, эртага сенга суянаман!

Эндигина биринчи синфга борган боланинг қувончи ва ҳайрати қанчалик чексиз бўлишини биласизми? Ҳарфларни таниганида, «она» сўзини ёзганида унинг қанчалик севинганини тасаввур қиласизми? Мактабни тугатганида, олий ўқув юртига кирганида, биринчи миннатдор бўлгани ким бўлади? Албатта, мактаби, устозлари.

Бу сўзларни айтмоқдан муддао шуки, инсон ҳаётида, камолотида мактабнинг алоҳида ўрни бор. Билим ва тафаккур шу даргоҳда шаклланади. Улкан орзуларга шу даргоҳда тамал тоши қўйилади. Ва инсонни гўзал кўрсатувчи тарбия ҳам...

Кўпчилик айтадики, таълим билан тарбияни ажратиб бўлмайди. Бу ҳақ гап. Аммо мен бир жиҳат ҳақида сўзламоқчиман. Тарбия фақат мактабга, ўқитувчига боғлиқ эмас. Унинг яна кўплаб устунлари бор. Улардан бири оиладир. Зеро, ўқувчи оилада тўғри тарбия олмас экан, мактаб у учун барча нарсаларни бера олмайди.

Аксарият ҳолларда боланинг ахлоқи учун мактаб жавоб беришига тўғри келади. Кўча-кўйда уришгани, ўғрилик қилгани ёки безорилик қилгани учун, биринчи навбатда, мактабдан сўралади.

Аслида эса мактабларда бола тарбияси учун етарли имконият яратилмаган. Оддий мисол: кўчада машинада ёки жамоатчилик транспортида овозингиз бироз баландлаб кетса ҳам қанча дашном эшитасиз. Мактабда ҳам шу аҳвол. Ўқувчининг бурнидан зиёд гапириб қўйсангиз (уришиш-у уриш ҳақида гап кетмаяпти) ота-оналар ўқитувчининг бошида ёнғоқ чақишади. Ёки баъзи ота-оналар фарзандининг ўқишидан хабар олмайди, қандай таълим олаётганига қизиқмайди. Улар учун бола ярим кунини мактабда ўтказса бўлди. Бу ўқиш ва тарбия келажагимизни белгилашини унутиб қўйиш эмасми?

Масаланинг яна бир жиҳати бор, бу ўқитувчи масъулияти. Қачонки, ўқитувчининг ўзи ўрнак бўлмас экан, таълим ҳам мукаммал бўлмайди.

Шу маънода, умрини таълимга бағишлаётган инсон сифатида ҳар доим ота-оналарга бу жиҳатни тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Ахир, ҳаммамизнинг мақсадимиз бир: доно ва билимли, оқил ва комил авлодни камол топтирмоқ. Бу йўлда ҳамжиҳатлик бўлмас экан, кўзлаган мақсадга эриша олмаймиз.

**Нигора САТТОРОВА,**
Олмазор тумани
тиббиёт коллежи ўқитувчиси

## Ҳикмат

***Ота-оналар кўпинча «тарбия» сўзи билан «маълумот» сўзини чалкаштириб қўядилар ва болага маълум дарсларни ўқитиб-ўргатиш билан унга тарбия бердик, дея ўйлайдилар. Йиллар ўтгач, ота-оналарнинг ҳафсалалари пир бўлишининг сабаби ҳам мана шунда.***

А. РУБИНШТЕЙН

Таҳлил

# ҲАЁТ УЧУН МУРОЖААТ

*У ҳеч қачон беэътибор қолмаслиги зарур*

**Сув – бебаҳо неъмат. Шу сабаб уни «обиҳаёт» деб таърифлаймиз. Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида сувнинг алоҳида ўрни бор. Ободлик, тозалик, бунёдкорлик ва пироварди иқтисодиёт барқарорлигида обиҳаётнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бу алоҳида мавзу. Ҳозир фикр юритмоқчи бўлганимиз эса сув хўжалигидаги мурожаатлар хусусида. Зеро, уларнинг ҳар бирида ҳаёт учун интилиш, яшнатиш ва яратиш мужассам.**

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатлари, халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш, уларнинг келажакка умид ва ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши зарур.

Бу талаб бугун сув хўжалиги тизимида ҳам асосий вазифалардан этиб белгиланган. Ўтган бир йилда амалга оширилган ишлар ҳам буни исбот этади.

Ижозатингиз билан уларни рақамларда ифода этамиз. Ўтган йилда вазирлик тизимида 11064 та мурожаат *(ариза, шикоят ва таклифлар)* келиб тушган бўлиб, уларнинг 6 фоизи Президентнинг Виртуал қабулхонаси, 94 фоизи бевосита вазирлик тизими орқали йўлланган. Президент Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг 203 таси қаноатлантирилди, 385 тасига тушунтириш берилди, 3 таси кўрмасдан қолдирилди, 5 таси рад этилди, 59 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди. Бевосита вазирлик ва ҳудудий тизим ташкилотларига келган мурожаатларнинг 7275 таси қаноатлантирилди, 2522 тасига тушунтириш берилди, 123 таси рад этилди, 489 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди.

**Ривоят. Бир бадавлат кишига шундай савол беришибди:**
**Агар чўли биёбонда адашиб қолсангиз, ниҳоятда оч қолсангиз-у кимдир бир бурда нон берса эвазига нима берардингиз?**
**– Давлатимнинг ярмини.**
**– Агар ниҳоятда чанқаб кетсангиз-да кимдир бир пиёла сув берса-чи?**
**Шунда бадавлат киши «Бор давлатимни» дея жавоб берибди.**

Вазир ва вазирлик тизимидаги раҳбарлар томонидан минг нафарга яқин фуқаро қабул қилиниб, уларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Жойларда ташкил этилган сайёр қабулларда 409 нафар, Халқ қабулхонасида 196 нафар фуқаронинг мурожаатлари ўрганилди.

Йил давомида мурожаатларни кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 12 нафар масъул ходимга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мурожаатларнинг катта қисми суғориш, сувдан самарали фойдаланиш масалалари билан боғлиқ. Айтиш лозимки, 2017–2018 йиллар куз-қиш мавсумида ёғингарчилик миқдори ва тоғлардаги қор захиралари олдинги йилларга нисбатан кам бўлди. Бу эса, ўз ўрнида, 2018 йил суғориш мавсумида республика бўйича сув танқислигига олиб келди.

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши юзасидан кундалик назорат ўрнатилиб, амалга оширилаётган ишлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ҳар ҳафтада сув хўжалиги ташкилотлари масъул ходимлари билан селектор йиғилишлари ўтказилиб, унда сувдан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар бериб борилди. Натижада тез фурсатларда бу мавзудаги мурожаатлар сони сезиларли даражада камайишига эришилди.

Мухтасар айтганда, Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимларида ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолдирилмаяпти. Буларнинг бари халқ билан яқин мулоқотда бўлиш, одамларнинг дард-у ташвиши билан яшаш, муаммоларига ечим топиш, эл-юрт фаровонлиги учун бор имкониятларни ишга солиш каби тамойиллар ушбу тизимда ҳам устувор аҳамият касб этаётганининг амалий тасдиғидир.

**Ҳусниддин МАМАРАЖАБОВ,**
Сув хўжалиги вазирлиги
Мурожаатлар билан
ишлаш бўлими бошлиғи

Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-08

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 2 март**
**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Наманган вилояти**
**Манзил:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.
**Телефон:** (0 369) 227-94-30 **Факс:** (0 369) 227-91-47

**5. Тендер ҳужжатларинн нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«______вилояти, ________тумани, __________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун тўлов кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

**Наманган вилояти**
**Банк:** «Ҳамкорбанк» АТБнинг «Юксалиш» филиали
**ИНН:** 202393842 МФО: 00992
**ҳ/р:** 20210000803196752001

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

**Наманган вилояти ҳокимияти**
**Манзил:** Наманган шаҳри, Истиқлол кўчаси, 57-уй.
**Телефон:** (0 369) 227-08-29 **Факс:** (0 369) 227-91-47

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони $м^2$ |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар | | | бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | уй рақами | |
| **Наманган вилояти** | | | **250** | **10** | **240** | | **10** | | |
| 512 | Наманган | Олахамак | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 1 апрель 11:00 |
| 513 | Норин | Норинкапа | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 апрель 11:00 |
| 514 | Норин | Норинкапа | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 апрель 11:00 |
| 515 | Тўрақўрғон | Ўзбекистон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 апрель 11:30 |
| 516 | Тўрақўрғон | Ўзбекистон | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 апрель 11:30 |
| 517 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 1 апрель 12:00 |
| 518 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 1 апрель 12:00 |
| 519 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 1 апрел 12:00 |
| 520 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 1 апрель 12:30 |
| 521 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 1 апрель 12:30 |
| 522 | Чуст | Гулзор | 24 | 1 | 24 | 6 | | | 2019 йил 1 апрель 12:30 |

Фидойиларимиз

# Оноровнинг ҳақиқатлари



*Оноров кўп китоб ўқийди. Мўъжаз кутубхонаси бор. «Аслида, ҳар бир китоб – ғоя маҳсули. Китоб биргина ғоя ёки жумла учун ёзилади. Афсуски, жуда кўп китобда улар анқонинг уруғи», дейди куюниб. Бироқ ўзини китобий одам эмас деб ҳисоблайди. Ғояни ҳаракатга, ҳаракатни натижага айлантиришга интилади. «Ҳаёт – улкан китоб. Уни қандай ўқиш, уқиш – бу энди бошқа мавзу», – дейди ўйга толганча.*

**МАҒЛУБИЯТ — ЮТУҚ ДЕБОЧАСИ**

Сурхоннинг кенг даштларида улғайган Мусурмонқул Оноров мактабни битириб, олий маълумот олишга азм қилди. Бироқ омади келмади. Кўпчилик чўпон отасининг таёғини қўлга олишни маслаҳат берди. Бунга ғужурли Мусурмонқул кўнмади — яна ўқишга зўр берди. Беш марталик уринишдан сўнг мақсадига етди — ҳозирги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга кирди.

Тиришқоқ талаба тез орада узоқни кўра оладиган устозлар назарига тушди. Институтнинг ғайратли ва ташаббускор Ёшлар етакчиси уни қабатига олди. Йўл-йўриқ кўрсатди. Дипломини қўлга олган ташкилотчи ёш мутахассис яна уч йил мобайнида устози сабоғини олиб, амалий ва ҳаётий тажрибасини оширди.

**ДУО ОЛГАН ИНСОН**

Ўз йўлини топган ёш кадрнинг тўсатдан пойтахтдан туғилиб ўсган қишлоғига қайтиш ҳақидаги қарори кўпчиликни, айниқса, устозларини ажаблантириб қўйди. Уни фикридан қайтармоқчи бўлишди. «Онам кексайиб қолди. У кишининг хизматини қилиб, дуосини олишим керак» дегач, ноилож рози бўлишди ва оқ йўл тилашди. Онаси, устозларнинг дуосини олган Мусурмонқул Оноров Сурхондарёдаги бир қанча ташкилотларда масъул вазифаларда меҳнат қилди. Етакчи, ташчилотчи раҳбар сифатида ўзини кўрсатди.

**БИРИНЧИ ИНВЕСТИЦИЯ**

Мусурмонқул Оноровни 1994 йилда вилоятдаги йирик «Сурхон» ишлаб чиқариш заводи директорлигига тайинлашди. Заводда шароит оғир эди. Қўл қовуштириб ўтиришни жини суймайдиган Оноров имкон ахтаришга тушди. Ишнинг кўзини биладиган раҳбар Ҳиндистонга бориб, у ерлик ишбилармонларни Сурхондарёга бошлаб келди. Ўша пайтда бу кўпчиликнинг ҳатто тушига ҳам кирмаган ташаббус эди. «Surxon Ajanta Limited» қўшма корхонаси тузилиб, чет элдан 150 та замонавий фармацевтика ускунаси келтирилди. Шундан кейин Оноровнинг ҳаловатсиз кунлари бошланди. Бойсун тоғидан доривор ўсимликларни етиштиришга юз гектар ер ажратиш учун вилоят ҳокимига учрашди. Бироқ Тошкентдаги мутасаддилар бунга қаршилик қилди. Қолаверса, валюта конвертацияси масаласи ҳам ҳал бўлмади. Охир-оқибатда бу хайрли ташаббус барбод бўлди. Шунда Оноров ҳамкорларига бу иш келажакда албатта амалга ошишини ишонч билан таъкидлади. Вақт ўз ҳукмини айтди: Оноров хорижлик инвесторларни биринчилардан бўлиб Сурхондарёга олиб келган инсон сифатида тарихга муҳрланди. Унинг ғояларини эса эндиликда бошқалар амалга оширмоқда. Дангалчи Оноров ҳақ бўлиб чиқди.

**КАСАБА УЮШМАСИ – КЎМАКЧИ ДЕМАК**

Тиниб-тинчимайдиган ташаббускор Оноров вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ишга ўтиб, ўз қобилиятининг янги қирраларини намоён этди. Шахсий намуна кўрсатиш, эл-юрт ва одамлар манфаатини ўзиникидан устун қўйиш, ишчи-ходимларга том маънода кўмак беришни ҳаёт аъмолига айлантирган бу фидойи инсонни бугун кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Шогирдлари ва ҳамкасблари эса у билан фахрланади. Билими, тажрибаси ва маслаҳатини аямайдиган Оноров эса уларни доимо олдинга ундайди. *«Кўпчилик касаба уюшмаларини жамоат ташкилотигина деб эътироф этади. Бошқача айтганда, уларнинг вазифасини ишлаётган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборат, деб тушунади. Лекин кейинги икки-уч йилда касаба уюшма ташкилотлари амалга оширган ишлар бу мезонга сиғмайди. Биргина аҳолининг кам таъминланган қисмини уй-жой билан таъминлаш масаласига эътибор беринг. Ҳолбуки, уларнинг аксарияти ишлаш қобилиятига эга эмас. Демак, касаба уюшмалари Президентимиз ғоялари ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида давлат ташкилотлари билан бир сафда ҳаракат қилаяпти. Яъни, бир мақсад сари одимламоқда. Мен касаба уюшмаларини барча инсонларга ёрдамчи деб биламан»*, – дейди «Эҳтиром» нишони соҳиби ҳозирги фаолияти ҳақида.

**ФИКРЛАШ — ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ**

Оноров ҳамиша ҳақиқат тарафдори. Бу борада ўзига хос тутум ва қарашлари бор. У ҳақиқатнинг ўзагини фикрлашда деб билади.

*«Билим – эртани, келажакни белгилайди», «Тажрибага таянган ҳолда ҳар бир ишни ишонч билан бошлаш керак», «Халқ эътибори – ҳар қандай бойлиг-у мансабдан устун», «Мағлубиятни ютуққа айлантиролган одамгина кучлидир», «Хато қилиш ва мағлуб бўлишдан қўрқмаслик керак», «Тўсиқ ва қийинчиликларни енгиш учун инсонда билим ва иродадан ташқари ўзига қатъий ишончи бўлиши зарур», «Ички гўзаллик амалиёт билан уйғунлашсагина маъно-мазмунга эга бўлади»*. Булар Оноровнинг ҳақиқатлари бўлиб, уни яна узоқ давом эттириш мумкин.

**СПОРТ – САНЪАТ, КИТОБ – ҒОЯ**

Мусурмонқул Оноровни худо бўй-бастдан ҳам қисмаган. Бўйчан, суяги оғир бу одам ёшлигида полвонлик қилиб, кураш тушган. Ҳозир ҳам теннис, волейбол ва футбол билан мунтазам шуғулланади. Профессионал даражадаги ўйинчи. Майдонда шундай чаққонки, тўп билан шундай муомала қиладики, кўрган киши ҳайратдан беихтиёр «Во, уккағар!» деб юборганини билмай ҳам қолади. *«Спорт – шунчаки ўйин эмас, балки – санъат. Спортчи ўйин моҳиятини ҳис этиши зарур. Унинг ақли ишламаса, ҳаммаси бекор...»*, – дейди завқ-шавқ билан тўп тепаётган чоғи.

Оноров кўп китоб ўқийди. Мўъжаз кутубхонаси бор. *«Аслида, ҳар бир китоб – ғоя маҳсули. Китоб биргина ғоя ёки жумла учун ёзилади. Афсуски, жуда кўп китобда улар анқонинг уруғи»*, дейди куюниб. Бироқ ўзини китобий одам эмас деб ҳисоблайди. Ғояни ҳаракатга, ҳаракатни натижага айлантиришга интилади. *«Ҳаёт – улкан китоб. Уни қандай ўқиш, уқиш – бу энди бошқа мавзу»*, – дейди ўйга толганча.

**«ЎЗГАЧАЛИК» СИРИ**

Мусурмонқул Оноровни баъзи бировлар «ўзгача одам» дея таърифлашади. Аслида, бу гапларда жон бор. Йўқса, у яқин кишисини катта мансабга тавсия қилишганида «Бунга рози бўлманг, у ерда сизни синдиришади», деб маслаҳат берармиди?! Буни эшитганлар Оноровни таъна-дашномларга кўмиб ташлайди. У эса индамай мийиғида кулиб қўяди, холос. Орадан кўп ўтмай яқин кишиси Оноровга маслаҳатига кирмаганидан пушаймон эканини айтди. Шунга ўхшаш яна бир мисол: Тўнғич ўғлининг лавозимли ишга ўтганини эшитган Оноров ундан шартта ишдан бўшашини талаб қилади. «Нега?» деган саволга қисқа қилиб, «Ҳали хомсан. Мансаб юкини тортолмайсан!», деб жавоб беради.

Айтганча, Мусурмонқул Оноров болаларига келинни ҳам, куёвни ҳам ўзи топган. «Кайвони одам ҳамма ишни ўзидан бошлаши керак, – дейди салмоқ билан. – Етакчилик, яъни лидерлик интеллектуал ақлдан устун туради. Шахсий намуна кўрсатиш орқали обрў-эътибор қозониш одамларни изидан эргаштира олишда намоён бўлади. Бу эса ҳеч кимга сир эмас».

**ТАҚДИРДАН РОЗИЛИК**

Мусурмонқул Оноров шу ёшга кириб ҳали бировдан ўзи учун бир нарса сўрагани йўқ. Ҳаммасига меҳнати орқали эришган. Термизнинг чеккароқ жойида кичкинагина ер олиб, молхона, товуқхона қурган. Қуён ҳам боқади. Бу ерда болалар учун стадион бор. Унинг дарвозаси ёнидаги деворда шундай сўзлар ёзилган: *«Яхши футболчи тўп бор жойда, буюк футболчи тўп борадиган жойда туради»*. Бу – Оноровнинг яна бир ҳақиқати. Ҳовлига турли дарахт-у ўсимликлар дид билан экилган. Ихчамгина кутубхонадаги китобларни тез-тез алмаштириб туради. Ўзига маъқул бўлганларини бошқаларга илинади. *«Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак одам. Тақдиримдан нолимайман. Пушаймон бўладиган иш қилганим йўқ. Қўлимдан келганча одамларга яхшилик қилдим. Токи нафас олар эканман, шу эътиқодда собитман. Инсонийликнинг бош вазифаси яхшиликдир»*, дейди катта панжасини кўксига босганча.

Бу ҳолат шу қадар табиий, самимий ва ишончлики, ички бир қониқиш турткиси билан хўшлашасиз: «Оллоҳ Сизни паноҳида сақласин!».



**Холли НОРБОЕВ**
**«Ishonch»**

Эътироф

**Ҳозир ҳамма жойда уй-жойларни рўйхатдан ўтказиш, эгалик ҳуқуқини тиклаш сингари ҳаракатлар авж олган. Мен ҳам шундайларнинг бири сифатида кадастр, нотариус, туманлараро Чирчиқ шаҳар суди идораларига қатнаб, оёқларимда оёқ қолмади. Ўз ташвишинг, ишингнинг осон ва тезроқ битишини ўйлаб югур-югур қилаётганингда ўзгалар чекаётган азоб-уқубатлар кўзингга унчалик кўринмас экан. Ҳатто иши тушган ҳар бир инсонга куйиб-пишиб тушунтириш, имкон қадар мулойимроқ муомала қилиш, умуман олганда, ҳамма масалани қонун-қоидалар асосида бажариш учун курашаётган номлари зикр этилган идораларнинг ходимларига шубҳали назарлар билан қараш, ҳатто ҳақорат ёки камситиш каби сўзлар айтишдан ҳам тийила олмас экансиз...**

# Адолат фариштлари

Кадастр идорасида-ку, ишим осон кўчди. Нотариусда кўп йиллардан бери ишловчи Гулсара Халилова қайта-қайта ҳужжатлар талаб қилавериши жонимга тегди. Айниқса, расмийлаштириш масаласи туманлараро Чирчиқ шаҳар судига ўтказилганидан жуда дарғазаб бўлдим. Чирчиқ шаҳар судининг судьяси Наргиза Ўралованинг ишни кўриб чиқиб, рад жавобини бериши эса тоқатимни тоқ қилиб юборди.

– Сизларнинг ташқи кўринишларингиз гўзал бўлса-да, қилгуликларингиз менга ёқмаяпти, – дедим жиззакилигим тутиб. – Қатнайвериб тоқатим тугади, энди «Ўлим фариштлари» деган бир танқидий мақола ёзсаммикин?», деб турибман!..

Судья аёлнинг чиройли юзлари оқариб, чарақлаган кўзларидан ўт чақнагандек бўлди. Аммо овозини кўтармай, аксинча, паст ва сокин товушда жавоб берди:

– Ўйламай айтган мана шу гапингиз учун жиноят иши очса ҳам бўлади. Майли, ёшингизни ҳурмат қилиб, сизга тўғри йўл кўрсата қолай: узундан-узоқ нарсалар ёзиб, овора бўлгандан кўра, билимдон бир адвокат топинг-да, асосли ариза ёздириб келинг...

Бу кўрсатмадан сўнг ҳовуримдан тушдим. Ғазалкент шаҳрида истиқомат қилувчи таниқли ва адолатпарвар адвокат Жўравой Ашуровга учрадим. У ҳужжатларни ўрганиб, кемтикларини тўлдирди, кераксизларини олиб ташлади ва лўнда ариза ёзиб берди. Наргизахон аризани ўқиб, ишни қайта кўриб чиқди-да, асосли ва адолатли қарор қабул қилди. Шу билан оворагарчиликлар ҳам барҳам топди...

Шахсан менинг ҳаётимда бўлиб ўтган ушбу воқеа, аввало, ўзимга нисбатан тегишли хулосалар чиқариб олиш, шошма-шошарлик ва ҳовлиқмалик каби салбий одатлардан тийилиш, оғир-босиқроқ бўлиш сингари ижобий фазилатлар сари қадам босиш йўлларини кўрсатиб берди. Оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўз ўзимизни улуғворликка ёки ҳалокатга элтиши мумкин экан. Тўғри, Ватанимизда ҳозир сўз эркинлиги, адолат, тўғрилик, ҳақ-ҳуқуқ учун курашишга кенг йўл очиб берилди. Бу эса ҳар қандай бўлар-бўлмас, ноқонуний йўллардан юравериш, ўзгаларни, айниқса, жиддий ишлар билан машғул кимсаларни менсимаслик дегани эмас. Боя айтганимиздек, энг аввало, ўз-ўзимизга талабчан бўлсак, ҳар бир қадамни етти ўлчаб сўнг боссак, ҳар битта сўзни оғзимиздан авайлаб чиқарсак, асло ютқазмаймиз.

Хулоса шуки, ниҳоятда мураккаб, нозик ва чигал масалаларни ўта босиқлик, сабр-у бардош, хушчиройлик билан адо этаётган Гулсарахон, Эъзозахон, Наргизахон сингари синглларимиз ва қизларимиз, аслида, адолат фариштлари экан. Улар ҳамиша соғ ва омон, ишлари эса ривожли бўлсин.



**Асад АСИЛ,**
ёзувчи

Эълон

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан Янгийўл тумани, «Қўштепа» маҳалласи, «Меҳнатобод» кўчасидаги уй учун Аҳмедов Жаҳонгир Пайзуллаевич номига берилган ТО 0128429 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.


# Солиқ концепцияси банк ходимлари нигоҳида

*Мамлакатимизда солиқ тизимидаги ислоҳотларни сифатли амалга ошириш, солиқ тўловчиларга кўмаклашиш ва улар билан манзилли ишлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Молия муассасаларида

AGROBANK

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида»ги фармони ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, солиқ тўловчиларга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

«Агробанк» АТБ бош офисида «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг моҳияти ва асосий жиҳатлари» мавзусига бағишланган ўқув-семинар ҳам шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда Фанлар академияси академиклари, Банк-молия академияси фан докторлари, банкнинг раҳбар-ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуманда қулай рақобат муҳити яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш, юртимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш концепциянинг асосий мақсади экани алоҳида таъкидланди.

– Мамлакатимизда қўлланилиб келинаётган даромад солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва шу каби солиқ ставкалари ҳақида қонун ва қарорда келтириб ўтилган ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотлардаги муҳим босқичлардан бири дир, – дейди иқтисодиёт фанлари доктори Исломбек Ниёзметов. – Албатта, шу ва бошқа бир қатор соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад адолатли солиқ тизимига ўтишдир. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган солиқнинг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорида белгиланиши натижасида тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратиб беріляпти. Бундай жараён ходимларни рағбатлантириш, қўшимча шароитлар яратиш, ишчининг ўз ишидан мамнун бўлишига олиб келади.

Тадбирда «Агробанк» ходимлари ва мижозларга қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда бюджет билан ўзаро муносабатлар, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусида ҳам маълумотлар бериб ўтилди.

Яъни қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, ижтимоий ҳаётга таъсири, солиқларнинг соддалаштирилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, бизнесни хуфиёна иқтисодиётдан очиқ ишлашга чиқариш ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш каби масалалар юзасидан тақдимотлар қилинди.

Ўқув-семинар давомида «Агробанк» ходимлари ва тадбир иштирокчилари солиқ сиёсати концепцияси билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ҳар бир жараёнда яратилаётган қўшимча қийматга солиқни жорий этиш хусусида тушунчаларга эга бўлди.

Мулоқотда мутахассислар тадбиркорлар ва «Агробанк» мижозларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

**«Агробанк» АТБ матбуот хизмати**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Реклама ҳуқуқи асосида**


**МУАССИС:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:** Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:** С. Шодиева
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **23:30**
Топширилди – **01:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **Г – 317.** **30510** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6